



NAVOIY VILOYATI ZARAFSHON SHAHAR HOKIMINING QARORI

210300, Zarafshon sh., Marvarid ko'chasi 1

2022 - yil 28 - fevral

43-5-78-Q/22

Zarafshon shahar hokimligi

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан шаҳар ҳокимлигига иш, хизматлар ва товарлар харид қилиш учун доимий танлов комиссиясини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига асосан бюджет маблағларидан оқилон ва самарали фойдаланиш ҳамда шаҳар ҳокимлигига иш, хизматлар ва товарлар харид қилишда энг яхши таклифларни танлаб олиш учун доимий танлов комиссиясини тузиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг 7-боби (энг яхши таклифларни танлаш)га асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг баробаригача бўлган қийматдаги иш, хизмат, товарларни шаҳар ҳокимлигига етказиб беришда энг яхши таклифларни танлаб олиш учун шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларидан иборат доимий танлов комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Доимий танлов комиссияси зиммасига шаҳар ҳокимлигига тадбиркорлар томонидан таклиф қилинадиган иш, хизмат ва товарларнинг, биринчи навбатда, сифатига, нархига ва яроқлигига ҳамда етказиб бериш муддатига алоҳида эътибор қаратиш вазифалари топширилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Шохмирзаев зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими



А.Раджабов

Zarafshon shahar hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
43-5-78-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг 7-боби (энг яхши таклифларни танлаш)га асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг баробаригача бўлган қийматдаги иш, хизмат, товарларни шаҳар ҳокимлигига етказиб беришда энг яхши таклифларни танлаб олиш учун шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларидан иборат доимий танлов комиссияси

ТАРКИБИ

1.	А.Шохмирзаев	–	шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, танлов комиссияси раиси
Танлов комиссияси аъзолари:			
2.	Ш.Сирожов	–	шаҳар ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари
3.	Қ.Хидиров	–	шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси
4.	З.Убайдуллаев	–	шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси
5.	А.Мамуров	–	шаҳар ҳокимлиги хўжалик ишлари мудир

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.